

“Кварц” акциядорлик жамияти
акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг
3-сонли
БАЁННОМАСИ

2021 йил 23 август
соат 10-00

Фаргона вилояти, Қувасой шаҳри,
Мустақиллик кўчаси, 2а-уй

“Кварц” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда “Жамият” деб юритилади) акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорлар ва вакилларга тегишли овоз берувчи акциялар сони 86 629 233 дона. Жами овоз берувчи акциялар сони 96 449 218 дона. **Йиғилиш кворуми 89,82 фоиз.**

Қатнашдилар:

“UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖ номидан 2021 йил 20 август I-28-сонли ишончномага асосан вакил - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Фаргона вилояти ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари Б.Б.Фарманов;

Жамият акциядорлари ва уларнинг вакиллари (рўйхат илова этилади);

Таклиф этилганлар:

Жамиятнинг бошқарув ва назорат органи аъзолари, ташқи ва ички аудит вакиллари.

ЭШИТИЛДИ:

Акциядорларнинг умумий йиғилишида жамият Кузатув кенгашининг раиси ҳамда кенгаш аъзолари узрли сабабларга кўра қатнаша олмаганликларини инобатга олиб, Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши раиси этиб вакил Б.Б.Фармановни сайлаш таклиф этилди.

(Бир овоздан маъқулланди)

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши раиси этиб Б.Б.Фарманов сайлансин.

ЭШИТИЛДИ:

Йиғилиш раиси – Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши котибини этиб “Кварц” АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими мутахассиси Ғ.Мамаджоновни сайлаш таклиф этилди.

(Бир овоздан маъқулланди)

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши котиблигига “Кварц” АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими мутахассиси Ғ.Мамаджонов сайлансин.

ЭШИТИЛДИ:

Йиғилиш раиси – Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Санок комиссиясини қуйидаги таркибда:

1. З.Бурхонов - “Кварц” АЖ Махсус бўлими бошлиғи ;
2. З.Раимбердиева - “Кварц” АЖ Бизнесни стратегик ривожлантириш ва лойихалаштириш бўлими бошлиғи ўринбосари;

3. О.Михайлюк - “Кварц” АЖ Бизнесни стратегик ривожлантириш ва лойihalаштириш бўлими иқтисодчиси таклиф этилди.

(Бир овоздан маъкулланди)

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санок комиссияси куйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. З.Бурхонов - “Кварц” АЖ Махсус бўлими бошлиғи ;
2. З.Раимбердиева - “Кварц” АЖ Бизнесни стратегик ривожлантириш ва лойihalаштириш бўлими бошлиғи ўринбосари;
3. О.Михайлюк - “Кварц” АЖ Бизнесни стратегик ривожлантириш ва лойihalаштириш бўлими иқтисодчиси.

Йиғилиш раиси Фарманов Б.Б. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. “Кварц” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. “Кварц” АЖ Бошқарув раисининг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари, Бизнес-режа кўрсаткичлари ва жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилган чоралар бўйича ҳисоботи.
3. “Кварц” АЖ ташқи аудиторининг Жамиятнинг 2020 йил яқунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш яқунлари бўйича хулосасини кўриб чиқиш.
4. “Кварц” АЖнинг 2020 йил учун йиллик ҳисоботини, шу жумладан бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш.
5. “Кварц” АЖнинг 2020 йил яқунлари бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида.
6. “Кварц” АЖнинг Бошқарув аъзоларини сайлаш тўғрисида.

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСОАЛАЛАР БЎЙИЧА ЭШИТИЛДИ:

Йиғилиш кун тартибидаги 1-масала бўйича (“Кварц” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга асосан йиғилиш раиси томонидан кун тартибидаги масалалар бўйича маъруза ва музокарага чиқувчилар учун куйидаги йиғилиш регламенти маълум қилинди.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун 15 дақиқагача, савол-жавоблар учун 10 дақиқагача, санок комиссияси ишига 30 дақиқа вақт ажратилиши таклиф этилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб жамият таклиф этилаётган йиғилиш регламентини тасдиқлаш жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

Йиғилиш кун тартибидаги 2-масала бўйича (“Кварц” АЖ Бошқарув раисининг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари, Бизнес-режа кўрсаткичлари ва жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилган чоралар бўйича ҳисоботи) Жамият Бошқарув раиси в.в.б. А.И.Буриев сўзга чиқди ва “Кварц” АЖ ижро органининг 2020 йил молия-хўжалик йили яқунлари ва 2020 йилга мўлжалланган бизнес-

режа кўрсаткичларини бажарилиши ҳамда Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича 2020 йил давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берди (ҳисобот илова қилинади).

Хусусан, “Кварц” АЖда 2020 йил давомида Жамиятнинг бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилиши ҳолати қуйидагича:

амалдаги нархларда товар маҳсулоти ҳажми 298 932,2 млн.сўмлик режа (272 760,2 млн.сўм) 109,6%га ёки 26 172,0 млн.сўмга кўп бажарилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврида ишлаб чиқарилган (274 488,0 млн сўм) маҳсулотга нисбатан 24 444,2 млн. сўмга кўпайиб 108,9%ни ташкил этган;

солиштирма нархларда товар маҳсулоти ҳажми 255 722,1 млн. сўмлик режа (234 942,2 млн.сўм) 108,8%га ёки 20 779,9 млн.сўмга кўп ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврида ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан 6 938,6 млн.сўмга кўпайиб 102,8%ни ташкил этган.

Ишлаб чиқариш кўрсаткичи:

шиша банкалар 208,5 млн.дона, режадагидан 49,0 млн.дона кўп (130,8%), 2019 йилга нисбатан 19,3 млн.дона кўп (110,2%);

шиша бутилкалар 74,6 млн.дона, режадагидан 9,2 млн донага кам (89,0%), 2019 йилга нисбатан 16,85 млн.дона кам (81,6%);

қурилиш ойнаси режадагидан 1 141 минг метр квадрат кўп ёки 12 074 минг метр кв. (110,4%), ўтган йилга нисбатан 466 минг метр квадрат кўп ишлаб чиқарилган (104%).

Реализация қилинган маҳсулот 2020 йил давомида 308 615,32 млн.сўм бўлиб, 2019 йилга нисбатан 61 702,2 млн сўмга кўп (246 913,3 млн.сўм) реализация қилинган.

Ҳисобот даврида шиша банка 248,05 млн.дона, 101 465,0 млн сўмлик, ўтган йил (122,813 млн.дона, 45 560млн.сўм)га нисбатан 55906,0 млн.сўмга кўп, ўтган йилга нисбатан сотилган қурилиш ойнасини 617,1 минг м², 6 937,8 млн.сўм ўтган йилга (408,3 минг м², 3 692,1 млн.сўм) нисбатан 3245,7 млн.сўмга кўп реализация қилиниши, экспортга жами 2 189,29 минг АҚШ долларлик маҳсулот, ўтган йил кўрсаткичидан (1 945,16 минг АҚШ доллари) 244,13 минг АҚШ доллари миқдоридан кўп экспорт қилиниши, халқ истеъмоли молларини сотишдан ўтган йилга нисбатан 54 443,7 млн.сўмга кўп сотиш ҳисобига бўлган. Шиша бутилка маҳсулоти 56,880 млн.дона, 52 696,0 млн.сўмлик, ўтган йил кўрсаткичидан 15378,0 млн.сўмга кам сотилган.

Тайёр маҳсулот қолдиғи 2019 йилга нисбатан 5 295,8 млн.сўмга камайган ёки 33 149,6 млн.сўмни ташкил қилган.

2020 йил учун тасдиқланган Бизнес режада белгиланган соф тушум ижроси 20 726,8 млн.сўмга кўп ёки 107,2% га бажарилган, 2019 йилга нисбатан бу кўрсаткич 61 149,1 млн.сўмга кўпайган.

2020 йил умумий молиявий натижа фойда (фойда солиғи тўлангунга қадар) режага нисбатан 144,3%га, соф фойда 139,3% га бажарилган, 2019 йилга нисбатан фойда 248,6%га, соф фойда эса 232,6% га кўпайган.

Давр харажатлари бизнес-режасида белгиланган кўрсаткичлар билан солиштирилганда 1 068,9 млн.сўмга кўп харажат қилинган.

Жумладан, сотиш харажатлари 619,9 млн.сўмга, маъмурий харажатлар 715,54 млн.сўмга режалаштирилган кўрсаткичга нисбатан кўп харажат қилинганлиги маълум бўлди.

Шунингдек Жамиятни 2017-2021 йилларга ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича 2020 йил давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида қуйидагилар маълум

қилинди:

- ўтга чидамли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ЎЧМИЧБ цехида янги турдаги енгил вазнли ўтга чидамли гишт маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва янги флоат линия учун ишлатишга йўлга қўйилди;

- АКВ-Аппарате-Верфахрен ГмбХ (Германия) компаниясининг кварц кумини бойитиш учун ускуналарини қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди. Ускуналар ўрнатилиб юргизиш учун тайёрланди;

- корхонамизда ишлатилаётган 10 000 кВа қувватли подстанцияда 16 000 кВа қувватга ошириш ишлари олиб борилди. Янги флоат линия учун қўшимча 11та ячейка ўрнатилди;

- корхонамизни ГРЭС подстанциясига 1 дона трансформатор ўрнатилди;

- ХАТБ хом ашё тайёрлаш бўлими шихта тайёрлаш №3, №4 линияларида реконструкция ишлари олиб борилди. Бунда Россиянинг ООО “Стромизмеритель” компанияси ускуналари монтаж ишлари олиб борилиб юргизилди;

- ХАТБ бўлимининг шиша синиклари тозалаш участкасида шиша синикларини тозалаш линиясини қурилиш ишлари олиб борилди. Бунда корхонамиз мутахасислари томонидан лойихаланган қуввати суткасига 100тн бўлган шиша синикларини тозалаш линияси қурилиб ускуналар монтаж ишлари олиб борилди;

- ХАТБ бўлимидан қуввати 400 тн сутка ойна маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехига хом ашё (шихта) етказиб бериш линиясини (масофаси 300м бўлган) қурилиш монтаж ишлари олиб борилди. Бунда корхонамиз мутахасислари томонидан тайёрланган ва Россиянинг ООО “Стромизмеритель” томонидан ишлаб чиқарилган ускуна ва жихозлар монтаж қилинди;

- МВП №1 ни шиша пишириш печини таъмирлашда корхонамизда ишлаб чиқарилган ўтга чидамли (шамот ва динас) гишт маҳсулотларини ишлатилди ва шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш линияларни енгил таъмирлаш ишлари олиб борилди. 24/07/2020й куни ишга туширилди;

- МВП №1,2,3 цехларида табиий газни босимини ва сарфини бир меёрда тақсимлаш ва назорат қилиш учун янги газ коллектори ўрнатилди;

- 400тн сутка бўлган янги флоат линияни сув билан таъминлаш мақсадида скважина ва унинг биносини қурилиш ишлари олиб борилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб Жамият бошқарув раиси А.И.Буриевнинг жамиятнинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари, бизнес-режа кўрсаткичлари ва жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича ҳисоботини тасдиқлаш жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

Кун тартибидаги 3-масала бўйича (“Кварц” АЖ ташқи аудиторининг Жамиятнинг 2020 йил яқунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш яқунлари бўйича хулосасини кўриб чиқиш) Молия бўйича директор А.Б.Хусанов сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларига қуйидагиларни маълум қилди.

“Кварц” АЖ акциядорларининг 2021 йил 6 мартдаги навбатдан ташқари умумий йиғилишида 2020 йил яқунлари бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун “Amulet-Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилоти белгиланган.

“Кварц” АЖнинг 2020 йил яқунлари бўйича ўтказилган ташқи аудит натижалари бўйича “Amulet-Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2021 йил 8 июлдаги МХХС ҳамда 2021 йил 8 июлдаги БХМС мослиги тўғрисида хулосалари билан мажлис иштирокчилари таништирилди (аудитор хулосаси илова қилинади).

“Amulet-Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан Жамиятнинг 2020 молиявий йил бўйича молиявий ҳисоботлари миллий ва халқаро стандартларига тўла мос келиши тўғрисида хулоса берилди.

Кун тартибидаги масала бўйича Жамиятнинг ташқи аудитори “Amulet-Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг хулосаси тасдиқлаш жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

Кун тартибидаги 4-масала бўйича (*“Кварц” АЖнинг 2020 йил учун йиллик ҳисоботини, шу жумладан бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш*) Жамиятнинг Бош бухгалтери А.Исабоев томонидан акциядорларга қуйидагилар маълум қилинди:

Жамиятнинг 2021 йил 1 январь ҳолатига тузилган бухгалтерия баланси бўйича баланс активлари 914 358,452 млн. сўми, бунда узоқ муддатли активларнинг ўсиши 1,25 бараварни ва жорий активларнинг ўсиши 2,65 бараварни ташкил этди.

Узоқ муддатли активлар 44 684,77 млн.сўмга ўсиши янги технологик ускуналарни сотиб олиниши билан ўлчанади. Ҳисобот даври охирига жамият соф активлари қиймати 1,13 бараварга кўпайиб, 354 518,18 млн.сўмга етган, бу эса узоқ муддатли ва жорий активларни ошиши манбаси бўлиб хизмат қилди.

Жамиятнинг 2020 йилдаги жами даромади 429 317,67 млн.сўми, харажатлари 382 246,49 млн.сўми, соф фойда эса 47 071,17 млн.сўми ташкил этди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб Жамиятнинг йиллик ҳисоботини, 2020 йил йиллик бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаб бериш акциядорлардан сўралди.

Кун тартибидаги 5-масала бўйича (*“Кварц” АЖнинг 2020 йил якунлари бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида*) бўйича жамият йиғилиш раиси сўзга чиқиб “Кварц” АЖнинг 2020 йил якуни бўйича олинган 47 071 176 550 сўмлик соф фойдасини тақсимлаш юзасидан Кузатув кенгаши томонидан ҳамда “UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖнинг 2021 йил 20 августдаги 01/04-3-240-сонли кўрсатмасида қуйидагиларни акциядорларга маълум қилди.

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг 2020 йил якуни бўйича олинган соф фойдасидан дивиденд ва ажратмаларга йўналтириш миқдорини кўриб чиқиш бўйича Ишчи гуруҳнинг 2021 йил 29 июлдаги (16.08.2021 йилда 02-02/1-657-сон билан рўйхатга олинган) 1-сонли йиғилиш баёни 7-бандига асосан Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича соф фойдасидан 50 фоизини дивидендга йўналтиришга рухсат берилган.

Шу муносабати билан Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича олинган 47 071 176 550 сўм соф фойдани тақсимлаш бўйича қуйидаги таклиф этилди:

- амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ Жамият захира фондига 2 353 558 827 сўм ёки 5 фоиз (01.01.2021 йил ҳолатига захира фонди 20 355 866 295 сўмга ёки устав фондига нисбатан 12,31 фоиз миқдоридан шакллантирилган);

- инновацияни ривожлантириш жамғармасига 4 707 117 655 сўм ёки 10 фоиз (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.05.2018 йилдаги ПҚ-3698-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги 24-сонли ва 12.03.2018 йилдаги 195-сонли қарорларига асосан);

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 сентябрдаги П-5374-сонли Фармойишига асосан “Кварц” АЖда лиқланган ойна ишлаб чиқариладиган янги флотат-линиясини қуриш бўйича инвестиция лойиҳасини молиялаштиришга ҳамда корхона ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишга 13 838 925 905 сўм, 29,4%;

- Жамият соф фойдасининг 50 фоизи ёки 23 535 588 275 сўмини дивиденд тўлашга йўналтириш;

Бунда жамиятнинг бир дона оддий акциясига 244 сўм ёхуд номинал қийматига нисбатан 14,2 фоиз миқдорида йиллик дивиденд белгилаш ва дивидендларни ўрнатилган тартибда пул маблағлари билан 2021 йил 23 августдан 2021 йил 21 октябрга қадар акциядорларга тўлаб бериш;

- 2020 йил якуни бўйича Жамият бошқарув ва меҳнат жамоасини, шунингдек назорат органларини рағбатлантириш учун 2 353 558 828 сўм, ёки 5 фоиз ҳамда рағбатлантириш бўйича Ягона ижтимоий тўлови (12%) 282 427 059 сўм, жами 2 635 985 888 сўм (5,6%).

Жамият Кузатув кенгаши ҳамда “UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖ томонидан таклиф этилаётган фойда тақсимотини тасдиқлаш Жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

Кун тартибидagi 6-масала бўйича (“Кварц” АЖнинг Бошқарув аъзоларини сайлаш тўғрисида) йиғилиш раиси томонидан акциядорларга қуйидагилар маълум қилинди.

“Кварц” акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг 2021 йил 12 июлдаги қарорига асосан жамият бошқаруви аъзолигига қуйидаги номзодлар таклиф этилган:

1. А.И.Буриев - Бошқарув раиси в.в.б.;
2. М.Г.Исроилова - Бошқарув раисининг маҳаллийлаштириш, кооперацион алоқаларни кенгайтириш, ахборот технологиялари, фан, инновация ва инвестиция бўйича 1-ўринбосари в.в.б.;
3. С.С.Турсунбаев - Ишлаб чиқариш бўйича директор в.в.б.;
4. А.Қ.Сейтназаров - Маркетинг ва тижорат ишлари бўйича директор в.в.б.;
5. Қ.Ф.Уринбоев - Режим ва техника хавфсизлиги бўйича директор в.в.б.;
6. С.Т.Каримов - Қурилиш бўйича директор в.в.б.;
7. А.Б.Хусанов - Молия бўйича директор в.в.б.;
8. Х.М.Маматов - Юридик хизмати бўлим бошлиғи
9. А.А. Исабоев - Бош ҳисобчи;
10. Р.Х.Кучкаров - Бош механик;
11. Ё.Х.Юсуфжонова - Бизнес ривожини стратегик режалантириш бўлими бошлиғи.

Жамият Кузатув кенгаши томонидан таклиф этилаётган жамият Бошқаруви таркибини сайлаш акциядорлар йиғилишидан сўралди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб белгиланган тартибда бюллетенларга белги қуйиш орқали ўз муносабатларини билдирилиши йиғилиш иштирокчиларидан сўралди.

Санок комиссия овоз бериш натижаларини умумий йиғилиш иштирокчиларига эълон қилди.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. “Кварц” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

Овоз бердилар: – 86 629 233 овоз, тарафдорлар – 86 629 233 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ.

1. Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун 15 дақиқача савол-жавоблар учун 10 дақиқача, Санок комиссияси ишига 30 дақиқа вақт ажратиш орқали акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламенти тасдиқлансин.

2. “Кварц” АЖ Бошқарув раисининг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари, Бизнес-режа кўрсаткичлари ва Жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилган чоралар бўйича ҳисоботи.

Овоз бердилар: – 86 629 233 овоз, тарафдорлар – 86 629 233 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

1. “Кварц” АЖ ижро органининг 2020 йил молия-хўжалик йили яқунлари ва бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши ҳамда Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича 2020 йил давомида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги Бошқаруви раиси А.Буриевнинг ҳисоботи тасдиқлансин.

2. Жамият Бошқаруви(А. Бўриев)га:

Жамиятнинг 2021 йилга мўлжалланган бизнес-режасида белгиланган кўрсаткичларни ижросини таъминлаш, шу жумладан шиша банка ҳамда қурилиш ойнасини ишлаб чиқаришни ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатларини таъминлаш;

Жамиятни 2017-2021 йилларга ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича 2021 йилда жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18-сентябрдаги Ф–5374-сонли “Кварц” акциядорлик жамиятида силлиқланган ойна ишлаб чиқариш янги флоат линияси қуриш инвестиция лойихасини амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши билан белгиланган ташкилий, технологик ва лойиҳани молиялаштириш билан боғлиқ тадбирларни белгиланган ҳажмларда амалга оширилишига эришиш, лойиҳани тўлиқ якунига етказиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ жараёнларни сифатли ташкиллаштириш вазифалари топширилсин.

3. “Кварц” АЖ ташқи аудиторининг Жамиятнинг 2020 йил яқунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш яқунлари бўйича хулосасини кўриб чиқиш.

Овоз бердилар: – 86 629 233 овоз, тарафдорлар – 86 629 233 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

1. “Кварц” АЖнинг 2020 йил яқунлари бўйича ўтказилган ташқи аудит натижалари бўйича “Amulet-Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2021 йил 8 июлдаги МХХС ҳамда 2021 йил 8 июлдаги БХМС мослиги тўғрисида хулосалари тасдиқлансин.

4. “Кварц” АЖнинг 2020 йил учун йиллик ҳисоботини, шу жумладан бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш.

Овоз бердилар: – 86 629 233 овоз, тарафдорлар – 86 629 233 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

1. “Кварц” АЖнинг 2020 йил учун йиллик ҳисоботи, шу жумладан бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботлари тасдиқлансин.

2. “Amulet-Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текшируви ўтказиш давомида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш ва аудитор тавсияларини амалиётга тадбиқ этишни таъминлаш “Кварц” АЖ Бошқарувига топширилсин.

5. “Кварц” АЖнинг 2020 йил якунлари бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида.

Овоз бердилар: – 86 629 233 овоз, тарафдорлар – 86 629 233 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

1. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича олинган 47 071 176 550 сўмлик соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ Жамият захира фондига 2 353 558 827 сўм, 5 фоиз;

- инновацияни ривожлантириш жамғармасига 4 707 117 655 сўм, 10 фоиз;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 сентябрдаги П-5374-сонли Фармойишига асосан “Кварц” АЖда листланган ойна ишлаб чиқариладиган янги флоат-линиясини қуриш бўйича инвестиция лойиҳасини молиялаштиришга ҳамда корхона ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишга 13 838 925 905 сўм, 29,4 фоиз;

- Жамият акцияларига дивиденд сифатида 23 535 588 275 сўм, 50 фоиз;

Бунда жамиятнинг бир дона оддий акциясига 244 сўм ёхуд номинал қийматига нисбатан 14,2 фоиз миқдорда йиллик дивиденд белгилаш ва дивидендларни ўрнатилган тартибда пул маблағлари билан 2021 йил 23 августдан 2021 йил 21 октябрга қадар акциядорларга тўлаб бериш;

- 2020 йил якуни бўйича Жамият бошқарув ва меҳнат жамоасини, шунингдек назорат органларини рағбатлантириш учун 2 353 558 828 сўм, 5 фоиз ҳамда рағбатлантириш бўйича Ягона ижтимоий тўлови (12%) 282 427 059 сўм, жами 2 635 985 888 сўм (5,6%).

2. Жамият Бошқаруви томонидан ҳисобланган дивидендларни мазкур қарорда белгиланган муддатларда амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жамият акциядорларига тўлаб берилиши таъминлансин.

6. “Кварц” АЖнинг Бошқарув аъзоларини сайлаш тўғрисида.

Овоз бердилар: – 86 629 233 овоз, тарафдорлар – 86 629 233 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

1. “Кварц” АЖ Бошқаруви қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- | | | |
|----|-----------------|---|
| 1. | А.И.Буриев | - Бошқарув раиси в.в.б.; |
| 2. | М.Г.Исроилова | - Бошқарув раисининг маҳаллийлаштириш, кооперацион алоқаларни кенгайтириш, ахборот технологиялари, фан, инновация ва инвестиция бўйича 1-ўринбосари в.в.б.; |
| 3. | С.С.Турсунбаев | - Ишлаб чиқариш бўйича директор в.в.б.; |
| 4. | А.Қ.Сейтназаров | - Маркетинг ва тижорат ишлари бўйича директор в.в.б.; |
| 5. | Қ.Ғ.Уринбоев | - Режим ва техника хавфсизлиги бўйича директор в.в.б.; |
| 6. | С.Т.Каримов | - Қурилиш бўйича директор в.в.б.; |
| 7. | А.Б.Хусанов | - Молия бўйича директор в.в.б.; |

8. Х.М. Маматов - Юридик хизмати бўлим бошлиғи
9. А.А. Исабоев - Бош ҳисобчи;
10. Р.Х.Кучкаров - Бош механик;
11. Ё.Х.Юсуфжонова - Бизнес ривожини стратегик режалантириш бўлими бошлиғи.

2. “Кварц” АЖ Бошқаруви аъзолари билан белгиланган тартибда шартнома тузиш вазифаси жамият Кузатув кенгашига топширилсин.


Йиғилиш раиси томонидан кун тартибига киритилган масалалар тўлиқ кўриб чиқилиб, тасдиқланганлиги муносабати билан йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинди.

Йиғилиш раиси



Б.Б.Фарманов

Йиғилиш котиби



Ғ. Мамаджонов

Баённома имзоланган санаси

«25» 08 2021 й.